

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Давлат хизматини ривожлантириш

агентлиги директорининг

биринчи ўринбосари



О.А. Хасанов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”


Ўзбекистон Республикаси

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги

ҳузуридаги

Ёшлар ишлари агентлиги

директори



А.З. Саъдуллаев

**Маҳаллалардаги ёшлар етакчиси лавозимига очик танлов
ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисида
РЕГЛАМЕНТ**

Мазкур Регламент маҳаллалардаги ёшлар етакчиси (кейинги ўринларда — Ёшлар етакчиси) лавозимига очик танлов (кейинги ўринларда — Танлов) ўтказиш ва номзодларни саралаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қондалар

1. Ёшлар етакчиси вакант лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлимлари (кейинги ўринларда — Агентликнинг туман (шаҳар) бўлими) томонидан ўтказилади.

2. Вакант лавозимга танлов эълон қилиш ва малака талаблари бўйича номзодларни саралашни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида иловадаги таркибда тузиладиган комиссия фаолият юритади. Комиссия ўз фаолиятини комиссия раисининг раҳбарлигида амалга оширади.

3. Танлов комиссияси таркибига давлат органлари, таълим муассасалари ҳамда вакант лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа мутахассислар ҳам киритилиши мумкин.

4. Танлов Ёшлар етакчиси лавозими вакант бўлган тақдирда ёки қўшимча (янги) штат жорий этилганда ўтказилади.

5. Танлов вакант лавозимни Давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларининг ягона очик порталида (vacancy.args.uz) (кейинги ўринларда — Портал) эълон қилиш орқали ўтказилади.

2-боб. Танлов босқичлари

6. Танлов қуйидаги босқичлар асосида ташкил этилади:

биринчи босқич — танлов ўтказилиши тўғрисида эълон бериш;

иккинчи босқич — номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва саралаш;

учинчи босқич — номзодларнинг билимини тест синовидан ўтказиш;

тўртинчи босқич — номзодлар билан суҳбат ўтказиш;

бешинчи босқич — номзодни ишга қабул қилиш ёки рад этиш бўйича хулоса бериш.

7. Номзодларни саралаш уларнинг ушбу регламентга 2-иловадаги малака талабларига мувофиқлигини ўрганиш орқали амалга оширилади.

Номзодлар сони 5 нафар ва ундан кам бўлган ҳолларда Комиссия томонидан танловнинг учинчи — тест синови босқичисиз, тўртинчи босқич — номзодлар билан суҳбат босқичи ўтказилиши мумкин.

8. Танлов унда иштирок этиш учун камида иккита номзоддан аризалар келиб тушган тақдирда ўтказилади.

3-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш муддатлари

9. Танловга номзодларнинг аризалари вакант лавозим ҳақидаги эълон Порталга чиқарилган кундан бошлаб 5 кун давомида қабул қилинади.

10. Танлов комиссияси аризаларни қабул қилиш муддати тугаган кундан эътиборан уч иш куни ичида номзодларнинг вакант лавозим учун белгиланган малака талабларига мослигини ўрганиб чиқади ва ушбу муддат ичида Комиссия котиби томонидан ўрганиш натижаси бўйича номзодларнинг Порталдаги шахсий кабинетларига хабар юборади.

11. Номзод малака талабларига мос келган тақдирда уч иш куни давомида тест синовида чақирилади. Тест синови Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг филиалларида ўтказилади.

Номзод томонидан тест синовлари натижасида камида 56 балл тўпланиши унинг танловнинг кейинги босқичига ўтиши учун асос бўлади.

12. Тест синовида етарли балл тўплаган номзод билан уч иш куни давомида Танлов комиссияси томонидан суҳбат ўтказилади.

4-боб. Танловларни ташкил этиш ва ўтказишда Агентликнинг туман (шаҳар) бўлимининг вазифалари

13. Агентликнинг туман (шаҳар) бўлими:

лавозим учун малака талабларини белгилайди ҳамда расмий веб-сайтга жойлаштиради;

вакант лавозим тўғрисидаги маълумотларни бир иш куни ичида Ягона миллий меҳнат тизимига киритилишини таъминлайди ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тегишли филиалига маълум қилади;

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларида жойлаштиради;

номзодларни танловнинг тест босқичига қатнашишини таъминлайди;

танловларнинг суҳбат босқичини ўрнатилган тартибда ўтказади;

Танлов комиссияси аъзоларининг кворум доирасида иштирок этишини таъминлайди;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**5-боб. Танловларни ташкил этиш ва ўтказишда
Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг вазифалари**

14. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

вакант лавозим ҳақидаги хабар Порталга келиб тушганда уни шу куннинг ўзида эълон қилинишини таъминлайди;

сухбат босқичида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ўз вакили иштирокини таъминлайди;

ўз вакили орқали сухбат ўтказиш жараёни танловни ташкиллаштириш ва ўтказиш қоидаларига мос қилиши, шунингдек, танлов комиссиясининг ҳолис қарор қабул қилиши бўйича назорат олиб боради;

танловнинг барча босқичлари шаффоф, адолатли ва номзодлар учун тенглик тамойили асосида ўтишини назорат қилади;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-боб. Якуний қоидалар

15. Танлов ўтказиш жараёнида ушбу Регламент қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тегишли филиали Танлов комиссияси раҳбарига аниқланган қонунчилик бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ва танлов комиссиясининг қарорини бекор қилиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади.

16. Танлов комиссиясининг аъзолари ҳамда танлов жараёни иштирокчилари томонидан танлов давомида номзодлар тўғрисида олинган шахсий маълумотларни ошкор қилиш тақиқланади.

17. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Маҳаллалардаги ёшлар етакчиси
лавозимига очиқ танлов ўтказиш
ва номзодларни саралаш тартиби
тўғрисида регламентга
1-илова

**Маҳаллалардаги ёшлар етакчиси вақант лавозимига номзодларни ишга
қабул қилиш бўйича танлов комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Лавозимига кўра — туман (шаҳар) ҳокими, Танлов комиссияси раиси
2. Лавозимига кўра — ҳудудий ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи
ўринбосари, Танлов комиссияси раиси
ўринбосари
3. Лавозимига кўра — туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлими бошлиғи
5. Лавозимига кўра — Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати
Маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятини
мувофиқлаштириш ва методологик таъминлаш
бўлими бошлиғи
4. Лавозимига кўра — туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлими ходими,
Комиссия котиби

Изоҳ: комиссия аъзоси лавозимдан кетганда унинг ўрнига тайинланган ёки
вазифасини бажараётган шахслар комиссия таркибига киритилади.

Маҳаллалардаги ёшлар етакчиси
лавозимига очик танлов ўтказиш
ва номзодларни саралаш тартиби
тўғрисида регламентга
2-илова

Ёшлар етакчиси лавозимига қўйиладиган малака ТАЛАБЛАРИ

Маълумот	Устувор равишда олий маълумотли, истисно тариқасида ўрта-махсус маълумотига эга бўлиши.
Мутахассислик	Мутахассислик талаб этилмайди.
Меҳнат стажи	Меҳнат стажи талаб этилмайди.
Компьютер саводхонлиги	Microsoft Office дастури (Word, Excel, Power Point ва ҳ.к), замонавий ахборот технологияларида ва интернет тармоғида мустақил фойдаланувчи сифатида турли иш дастурлари билан ишлаш бўйича етарли кўникмага эга бўлиши лозим.
Номзодларни баҳолашда бериладиган афзалликлар	Етакчи лавозимига номзодларни танлашда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, маҳалла ҳудудида истикомат қиладиган, ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ёшларга шахсий фазилати, фидойилиги, садоқати ва ватанпарварлиги билан намуна кўрсатган ҳолда ўз ортидан эргаштира оладиган номзодларга афзалликлар берилади.
Талаблар	35 (ўттиз беш) ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши; давлат тилини билиши лозим.